

ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ИНТЕРФАОЛ ДАРСЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.28.62.001>

Назирова Дилафруз Алишеровна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Педагогика ва
психология кафедраси ўқитувчиси

Мазкур мақолада ўйин технологияларидан фойдаланган интерфаол дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада интерфаол технологиялардан фойдаланиш, таълимда болалар мотивацияси ва индивидуаллашувини ошириши, уларнинг ижодий қобилиятигини, нутқ фаолигини ривожлантириши, жамоада ишилашда ахлоқий меъёр ва қоидаларни қабул қилиши қобилиятини шакллантиришда муҳим педагогик аҳамият касб этиши масалаларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: ўйин технологиялари, интерфаол дарслар, жамоа, ахлоқий меъёр, қоида, қобилият, замонавий таълим, ўқув жараёни, мактабгача ёши даври, когнитив қизиқиши, дунёқараши, қобилият, ижодий фаолият, мотивация, индивидуаллашув, қулай ҳиссий муҳит, самарали усул.

ОСОБЕННОСТИ ИНТЕРАКТИВНЫХ УРОКОВ С ИГРОВЫМИ ТЕХНОЛОГИЯМИ

Назирова Дилафруз Алишеровна

преподаватель кафедры педагогика и психология УзГУМЯ

Аннотации: в статье описаны особенности интерактивных уроков с использованием игровых технологий с научно-теоретической точки зрения. В статье также рассматривается использование интерактивных технологий, повышение мотивации и индивидуализации обучения детей, развитие их творческих способностей, речевой активности, умение принимать этические нормы и правила в коллективной работе.

Ключевые слова: игровые технологии, интерактивные уроки, сообщество, этика, правила, способности, современное образование, учебный процесс, дошкольный возраст, познавательный интерес, мировоззрение, способности, творческая деятельность, мотивация, индивидуализация, комфортная эмоциональная среда, эффективный метод

FEATURES OF INTERACTIVE LESSONS WITH GAME TECHNOLOGIES

Dilafruz Alisherovna Nazirova

Lecturer of the Department of «Pedagogy and Psychology» UzSWLU

Annotations: The article describes the features of interactive lessons using gaming technologies from a scientific and theoretical point of view. The article



also discusses the use of interactive technologies, increasing the motivation and individualization of teaching children, the development of their creative abilities, speech activity, the ability to accept ethical norms and rules in teamwork

Key words: gaming technologies, interactive lessons, community, ethics, rules, abilities, modern education, educational process, preschool age, cognitive interest, worldview, abilities, creative activity, motivation, individualization, comfortable emotional environment, effective method

Замонавий таълимнинг ўқув жараёнида интерфаол технологиялардан фаол қўлланила бошланди. Интерфаол технологиялардан фойдаланиш, таълимнинг мотивацияси ва индивидуаллашувини ошириш, ўкувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва кулай ҳиссий муҳитни яратишнинг самарали усулларидан биридир. Маълумки, мактабгача ёш даври - бу болаларнинг атрофдаги дунёнинг хилма-хиллиги хақидаги гояларини кенгайтириш ва бойитиш, болаларнинг идрокини шакллантириш, нутқнинг барча ақлий жараёнларини ривожлантириш учун самарали давр. Шунинг учун МТТнинг вазифаси мактабгача ёшдаги боланинг атрофидаги дунё ҳақидаги билимларини бойитиш, ундаги ўзаро таъсирни, ўзгаришларни, бир-бирига боғлик ҳодисаларни кўришга, ўз фикрларини эркин баён қилишга, уларни далиллар билан тушунтириб беришга ўргатишдир. Интерфаол усуллардан фойдаланиш болаларда мавжуд бўлган турли билим соҳалари ва когнитив қизиқишни уйготади. Мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услугбий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча оиласда, ҳамда нодавлат ва давлатга қарашли бўлган мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Мактабгача таълим, бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълимтарбиясига қўллайдиган Давлат талабларига мувофиқ жисмонан соғлом ва етук, ақлан зийрак, соғлом фикрлайдиган мактабда ўқишига тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Мактабгача таълимнинг вазифалари:

- болаларни халқнинг бой миллий, маданий, тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий-ахлоқий жихатдан тарбиялаш;
- болаларда миллий ғуур, ватанпарварлик хисларини шакллантириш;
- мактабгача ёшдаги болаларни билим олиш эҳтиёжини, ўқишига интилиш манбаларини шакллантириш, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлаш;
- болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустакил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш;
- болаларнинг жисмоний ва рухий соғлигини таъминлаш.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясида – оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга» дейилган. Шунингдек, вояга етмаганлар – давлат химоясидадир – деб уқтирилади. Мактабгача таълим муассасаси оила ва жамиятнинг болаларга ғамхўрлик қилиш, миллий ва минтака хусусиятларини ҳисобга олган холда ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил этилади. Республикаизда 3-7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга

олган холда 3 даврга (3-4ёш) кичик мактабгача даври (4-5ёш) кичик боғча ёши ўрта мактабгача давр(ўрта боғча ёши) 6-7 ёш ва катта мактабгача давр катта боғча ёшиларга ажратиш мумкин. Бола ривожланиш жараёнида одамларнинг илгари ўтган авлодлари томонидан яратилган предмет ва ходисалар олами билан алоҳида маҳсус муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишида ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, ҳамда улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти – ҳаракатларни, тилни , одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия уларнинг муракқаб ҳаракатларини такомиллаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакалари ҳосил қилиш, нутқини ўстириш ҳамда ижтимоий ахолқ ва эстетик диднинг дастлабги куртакларини юзага келтириш давридир. Боғча ёшдаги болалар хаётида ва уларнинг психик жихатидан ўсишида қизиқишининг роли ҳам каттадир. Қизиқиши худди эҳтиёж каби боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам қизиқишини билиш жараёни билан боғлиқ бўлган муракқаб психик ходиса деса бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар қизиқувчан, катталар ва тенгдошларига савол берадиган, сабаб-оқибат муносабатларига қизиқадиган, табиат ходисалари ва одамларнинг ҳаракатларига мустақил равишида тушунишилар беришга ҳаракат қиласидиган, кузатиш ва тажриба қилишга мойил бўлган ёш давридир. Айнан шу даврда қизиқарли интерфаол методлардан фойдалансак мақсадга мувоғив бўлар эди.

Интерфаол таълим технологиялари ғояси 1990-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган. Ушбу ҳодиса биринчи веб-браузернинг пайдо бўлиши ва интернетнинг жадал ривожланишининг бошланиши билан боғлиқ, шунинг учун баъзи эксперtlар интерактив технологияни компьютер тармоқлари ва интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш сифатида изоҳлайдилар. Интерфаол таълим - бу когнитив фаолиятни ташкил этишининг ўзига хос шакли бўлиб, ўқув жараёни деярли барча ўқувчилар билиш жараёнида иштирок этадиган, ўзлари билган ва ўйлаган нарсаларни тушуниш ва мулоҳаза юрита оладиган тарзда давом этади. Интерфаол таълим, биринчи навбатда, болаларнинг ўқув мухити, таълим мухити билан ўзаро муносабатига асосланган таълим бўлиб, у ўзлаштирилган тажриба майдони бўлиб хизмат қиласиди, бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро таъсир қиласиди.

Болаларнинг когнитив фаолиятини интерфаол таълим шаклида ташкил этиш қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга имкон беради:

- мактабгача ёшдаги болаларнинг фикрлаш жараёнини ривожлантириш (тахлил, синтез ва бошқалар);
- ёшга мос келадиган интеллектуал ва шахсий вазифаларни ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш;
- болаларнинг нутқ фаоллигини ривожлантириш;
- мулоқот қўнималари ва қобилиятларини ривожлантириш;
- мактабгача ёшдаги болаларнинг шахслараро ўзаро муносабатларига мотивацион тайёрликни шакллантириш;
- жамоада ишлашда ахлоқий меъёр ва қоидаларни қабул қилиш қобилиятини шакллантириш.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти бу ўйиндир. Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари масаласи асрлар давомида жуда



кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олға қараб бораётган сермазмун хаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Маълумки, боланинг ёши улгайиб мустақил харакат қилиш имконияти ошган сари унинг атрофдаги нарса ва ходисалар бўйича дунёқараши кенгайиб боради.

Боғча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевосита амалий мунособатга бўлишига интилади. Бу ўринда шу нарса характерлики бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг хадди сифадиган нарсалари билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган ўзининг кучи ҳам етмайдиган, хадди сифмайдиган нарсалар билан ҳам амалий мунособатда бўлишига интилади. Масалан: бола автомашинани, трамвайни ўзи хайдагиси, ростакам отга миниб юргиси, учувчи бўлиб самолётда учгиси ва ростакам милиционер бўлгиси келади. Бирок табиийки бола ўзидағи бундай эҳтиёжларнинг биронтасини ҳам хақиқий йўл билан қондира олмайди. Бу ўринда савол туғилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама - қаршилик қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилик фақатгина биргина фаолият орқали яъни боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Буни шу билан изохлаб бериш мумкинки, биринчидан, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга ундовчи сабаб(мотив) келиб чиқадиган натижка билан эмас балки шу ўйин жараёнидаги турли харакатларнинг мазмуни билан боғлиқдир. Иккинчидан эса, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жихатдан гармоник равишда ривожлантириш учун бирдан бир воситадир.

Ўйин болалар хаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар хақида тафаккур қилиш, хом хаёл, дам олиш ва хушчакчақлик манбалари ҳам мужжасамлангандир, яъни мана шу жараёнларнинг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи мухитдаги нарса ходисаларни билиш воситасигина эмас, балки курдатли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хислатлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим тарбия ишларининг муваффақияти кўп жихатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила боришга боғлиқ.

Шундай қилиб, ўйин болалар хаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча болалар хаёлининг ўзи ўйин жараёнида юзага келиб ривожланадиган нарсадир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фан-техника мислсиз ривожланган бизнинг ҳозирги замонамиздаги яратиланаётган, хайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гуё бир мўъжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб (яъни аналогик тарзда) ҳар хил хаёлий нарсаларни ўйлаб чиқарадилар (учар от, машина одам, гапирадиган дараҳт каби). Бундан ташқари, боларнинг турли хаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шуни билдирадики, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида факат атрофларидағи бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳтиёжлари талаб қилаётган нарсаларни ҳам акс эттирадилар.

Интерфаол таълимнинг мақсадлари:

1. Болаларни шахслароро ўзаро таъсир доирасига киритиш орқали ижтимоий ва шахсий тажрибани ривожлантириш ва бойитиш. 2. Болаларнинг етишмаётган билимларини турли манбалардан ихтиёрий ва мустақил равишда эгаллаши, ундан когнитив ва амалий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланишни ўрганиши, тадқиқот кўнимкаларини, тизимли фикрлашни ривожлантириши учун шароит яратиш. 3. Болалар ўз муваффақиятини, интеллектуал компетенциясини ҳис қиласидаган қулай таълим шароитларини яратиш, бу бутун ўкув жараёнини самарали амалга ошириш демакдир.

Интерфаол технологияда ўқитувчининг энг муҳим вазифаси - ахборот алмашиш жараёнига раҳбарлик қилиш ва унда ёрдам бериш: нуқтаи назарларнинг хилма-хиллигини аниқлаш; иштирокчиларнинг шахсий тажрибасига мурожаат қилиш; иштирокчиларни фаол тутиш; назария ва амалиётнинг ўйғунлиги; иштирокчилар тажрибасини ўзаро бойитиш; идрок этиш, тушунишни осонлаштириш; ижодкорликни рағбатлантириш.

Таълимнинг интерактив шакллари.

1. Индивидуал шакл - тарбиячининг бир бола билан ўзаро муносабати, ўзига юкландган вазифани мустақил равишда ҳал қиласи. 2. Жуфтлашган шакл топшириқларни жуфтликда йечишда қўлланилади, болалар нафақат ўрганадилар, балки ўзаро таълим ва ўзаро назоратни ҳам амалга оширадилар. 3. Гуруҳ шакли болалар кичик гурухларга бўлиниб, масалани биргаликда йечганда қўлланилади. 4. Фронтал шакл тарбиячининг барча болалар билан ишлашини, топшириқни барча иштирокчилар томонидан бир вақтнинг ўзида, бир хил суръатда ва умумий вазифалар билан бажаришини назарда тутади. 5. Коллектив шакл болаларга яхлит жамоа сифатида қаралганда, лекин ўзларининг етакчилари ва ўзаро таъсирнинг маҳсус шакллари билан фойдаланилади. 6. Болаларнинг ўзгарувчан таркиби билан ўзаро таъсир қилиш шакли жамоавий ёки фронтал ишларни амалга ошириш учун қўлланилади, лекин иштирокчиларнинг доимий ўзгариши билан, ўрганилаётган муаммони сезиларли даражада кенгайтиради ва шахсларнинг билимлари туфайли интеллектуал бойитишга ёрдам беради.

Ўргатувчи ўйинли электрон ўкув-услубий таъминот барча функцияларга асосланган, назарий материаллар намоён қилинган бўлиши, дастлабки олинган тушунчаларини изохлаш, ўзлаштириш даражасини назорат қилиш, қофзодаги маълумотлар ёрдамишиз тескари алоқага ва шу кабиларга асосланган бўлиши керак.

Албатта, юқоридаги талабларга жавоб берадиган ўргатувчи ўйинли электрон ўкув-услубий таъминот яратиш катта куч талаб қиласи. Электрон ўкув-услубий таъминот ёки бошқа компьютер ўкув дарсликларини компьютер билан ишлашга доир психологик аспектларсиз яратиш мумкин эмас.

Биринчидан, тарбияланувчи ёшларни тушиниш доирасини психологик нуқтаи назаридан ҳисобга олиш керак.

Иккинчидан, тарбиячи ҳам ўйинли электрон ўкув-услубий таъминот билан, ҳам компьютер билан иш олиб бориши керак бўлади.

Мактагача таълим жараёнини ташкил этишда фойдаланувчининг ўкув материалини тақрорлашда уни ёдда сақлаши, ўз билимини фикрлаши ҳисобга олиниши керак. Ўргатувчи ўйинли электрон ўкув-услубий таъминотнинг белгиланган ўкув материалини ўзлаштиришнинг самарали имкониятларини, маълумотларни ёдда сақлаш ва фикр юритишни янада оширишга ёрдам беришига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўргатувчи ўйинли электрон ўкув-услубий таъминот ёрдамида ўкув фаолиятининг бу



элементини ташкил қилиш ўзининг кўпгина фарқли хусусиятлари билан ажралиб туради. Сабаби минг маротаба эшитгандан, бир марта кўрган авзал мақолига амал қилишни исботи бўлади.

Биринчидан, ўйинли электрон ўқув–услубий таъминот ёрдамида режадаги ўқув машғулоти топширигини бажаришда маълумотнинг экранда керакли тартибда жойлашиши, асосий элементларнинг ранг билан белгиланиши, фойдаланувчи учун «кулай инструментлар»дан фойдаланишни ва шу кабиларни келтиришимиз мумкин.

Иккинчидан, болалар баъзи бир қўлда бажариладиган амалларини турли хил хизматчи функциялар ёрдамида бажаради. Натижада топшириқ бажарилиши тезлашади.

Шу йўсинда мактабагач таълим тизимидағи болаларни мактабга яъни ўқув жараёнига ортиқча қийинчиликларсиз олиб борилиши ташкил этилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим соҳасидаги энг долзарб масалалардан бирибу – мактабгача таълим жараёни учун ўргатувчи ўйинли электрон ўқув–услубий қўлланмалар, мультимедиали компьютерли ўргатувчи дастурлар ишлаб чиқиши йўлга қўйиш ва уларни тарғибот қилиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Артемьева О. А., Макеева М. Н. Система учебно-ролевых игр профессиональной направленности. — Тамбов: Тамб. гос. техн. ун-т, 2007. — 208 с.
2. Васильева Т. В. Игровые и творческие задания как способ формирования профессиональных компетенций [Электронный ресурс] // Бесплатная интернет-библиотека. — Режим доступа: <http://pdf.knigix.ru/21filologiya/183946-1-igri-tvorcheskie-zadaniya-kak-sposob-formirovaniya-professionalnih-kompetenciyektor-prepodavatel-kafed.php>.
3. Войтов А. Г. История и философия науки: учеб. пособие для аспирантов. — М.: Дашков и К, 2004. — 692 с.
4. Дзюба Е. В., Массалова А. Э. Психолого-педагогические, социокультурные и методические основы преподавания русского языка как неродного / иностранного // Филологический класс. — 2017. — № 49. — С. 41-47.
5. Ермолаева М. Г. Игра в образовательном процессе: метод. пособие. — 2-е изд., доп. — СПб.: АП- ПО, 2005. — 112 с.
6. Кашлев С. С. Интерактивные методы обучения. — М.: ТетраСистемс, 2013. — 224 с.